

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ ОЛИМЖОН ШОХОНОВИЧ

ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАР ОРГАНИЗИМИГА FERULA ASSOFOETIDA
ЎСИМЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ

16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Юсупов Олимжон Шохонович

Қоракўл қўйлар организмига *Ferula assafoetida* ўсимлигининг таъсири.....3

Юсупов Олимжон Шохонович

Влияние растения *Ferula assafoetida* на организм каракульских овец.....21

Yusupov Olimjon Shokhonovich

The effect of the plant *Ferula assafoetida* to the body of Karakul sheep.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ ОЛИМЖОН ШОХОНОВИЧ

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР ОРГАНИЗИМИГА FERULA ASSOFOETIDA
ЎСИМЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ

16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси, экологияси, зоогигиена ва ветеринар-санитария экспертизаси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/V34 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.samvmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ниёзов Ҳаким Бақоевич ветеринария фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Салимов Юнус ветеринария фанлари доктори, доцент Шокиров Латиф Халимович ветеринария фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги №_____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда қоракўлчилик чорвачиликнинг чўл регионларида ривожланиб бораётган муҳим тармоқларидан бири бўлиб, қоракўлчиликни ривожлантиришда чўл ва ярим чўл ҳудудларидан рационал фойдаланиш, чўл флорасида коврак ўсимлиги ҳайвонлар озиқасининг 20-30 фоизини ташкил қилишини инобатга олган ҳолда, кўпгина чўл минтақаси шароитида ўсишга мослашган эфирмер ўсимликларни кўпайтириш ва бу иқлимий зонада илмий асосланган агротехнологик жараёнларни ташкил қилиш асосида озиқабоп экинлар плантацияларини яратиш ва уларни ҳайвон организмига таъсирини ўрганиш орқали улар маҳсулдорлигини ошириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади¹.

Дунё миқёсида охириги йилларда *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликларнинг биологияси, кимёвий тузилиши ва тиббиётдаги аҳамияти бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Қизилқум ҳудудида кенг тарқалган *Ferula assafoetida* ўсимлигини ҳайвонлар организмининг физиологик кўрсаткичларига таъсири етарли даражада таҳлил қилинмаганлиги, жумладан, ўсимликни қоракўл қўйлари учун заҳарлилик даражасини ўрганиш ва уни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади.

Ferula L туркумига кирувчи ўсимликларнинг Марказий Осиё ва Қозоғистон ҳудудида 106 тури ўсади, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўсимликни бениҳоят ижобий кўрсаткичлари билан бир қаторда, унинг айрим турларини ҳайвонлар организми учун заҳарли таъсир этиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Аммо, Қизилқум ҳудудида кенг тарқалган *F.assafoetida* ўсимлиги ва уруғини қоракўл қўйлари организмига таъсири тўғрисида аниқ ва илмий асосланган маълумотлар йўқ. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² давлатимизнинг чорвачилигини, айниқса қоракўлчиликни чўл регионларида ривожлантиришда чўл ва ярим чўл ҳудудларидан рационал фойдаланиб, чўл флорасида чўл озиқа ўсимликларининг асосий салмоғини ташкил қиладиган коврак ўсимлигининг плантацияларини яратиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш ва амалиётга жорий этиш устувор масалалардан бири сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2841-сонли, 2018 йил 14 мартдаги «Қоракўлчиликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3603-сонли, 2018 йил 20 мартдаги «Республика коврак плантацияларини

¹Раҳмонкулов У. Терпеноидсодержащие растения западного Тянь-Шаня и их использование: Дис....док.биол.наук. Ташкент. 1999. -С. 10-30.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

ташқил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3617-сонли, 2019 йил 16 августдаги «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4420-сонли қарорлари ва «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сонли Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коврак ўсимлиги биологияси ва унинг кимёвий тузилишини ўрганиш бўйича Ўзбекистонда У.Рахмонкулов, Н.Н.Нажмитдинова, Р.М.Халилов, М.А.Маматханова, М.И.Мадрахимова, Л.Д.Котенко ва Ш.Ш.Сагдуллаевлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Дунё миқёсида ушбу муаммо бир қатор хорижий олимлар, жумладан M.Miski, A.Ahmed, M.M Singh, A.O.Parkash, M.B.Agel, S.Al-Khalil, M.N.Abd El-Razek, A.Lhuillier, T.Motai, L.D.Kapoor, T.Kajimoto, R.Rajanikanth, O.Hofer, M.I.Nassar, Ю.М.Зимин, Л.А.Головина ва А.У.Бабековлар томонидан *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликларнинг биологияси ва унинг кимёвий тузилиши, тиббиётдаги аҳамияти бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва юқори даражада илмий-амалий аҳамиятга молик натижаларга эришилган.

Бугунги кунда Қизилқум худудида кенг тарқалган *F.assafetida* ўсимлигининг ҳайвонлар организми, шу жумладан унинг донини қорақўл қўйлари учун захарлилик даражасини ўрганиш, олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг А-7-074 «Қизилқум чўлининг саноат зоналарида техноген факторларини ҳайвонлар организмига таъсири ва уларни зарарсизлантириш усуллари» (2006-2008 йй.) ва ҚХА-ҚХ-2018-219 «Экологик ва техноген омиллар таъсиридан ҳайвонлар ва паррандалар организмида юзага келадиган патологиялар, уларни олдини олиш чоралари ва даволашнинг такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий давлат дастурлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қизилқум худудида кенг тарқалган *Ferula assafetida* ўсимлигининг вегетация даврида кимёвий таркибини ўрганиш, ўсимликни пояси ва илдизидан олинган ширасини лаборатория ҳайвонлари ҳамда донини қорақўл қўйлар организмига таъсирини илмий асослаш,

шунингдек қоракўл қўйларининг *Ferula assafoetida* ўсимлигидан заҳарланишининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ferula assafoetida (сассиқ коврак) ўсимлигининг чўл ҳудудларида турли вегетация даврида кимёвий таркибини аниқлаш;

Ferula assafoetida ўсимлигини илдизи ва поясидан ажратиб олинган ширасини лаборатория ҳайвонлари ва қоракўл қўйлари организмга таъсирини аниқлаш;

Ferula assafoetida ўсимлиги донини қоракўл қўйлар организмга таъсирини илмий асослаш;

Ferula assafoetida ўсимлигини қоракўл қўйлар қонининг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

қоракўл қўйлар организмга *Ferula assafoetida* ўсимлигини заҳарли таъсирини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти республиканинг Бухоро ва Навоий вилоятлари қоракўлчилик хўжалиги қоракўл қўйлари, улардан олинган қон намуналари, оқ сичқонлар, чўл ҳудудларида ўсадиган *Ferula assafoetida* ўсимлиги ва унинг дони, шираси ҳамда бентонит.

Тадқиқотнинг предмети *Ferula assafoetida* (сассиқ коврак) ўсимлигининг кимёвий таркиби, қоракўл қўйлар қонидаги морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ва заҳарланишни олдини олиш тадбирлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда клиник, морфологик, биокимёвий, иммунологик, юпқа қатламли хроматография, патологоанатомик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамизнинг чўл ҳудудларида *Ferula assafoetida* (сассиқ коврак) ўсимлигининг вегетация давридаги кимёвий таркиби аниқланган;

Ferula assafoetida ўсимлиги шираси сичқонларга 100 мг/кг миқдорда оғиз орқали ичирилганда, уларнинг клиник кўрсаткичлари ва шиллиқ пардаларида ўзгаришлар қайд этилмаганлиги аниқланган;

коврак ўсимлигининг пояси ва илдизидан олинган шира қоракўл қўйларига 14 кун давомида 100 мл дан ичириб борилганда, тажрибанинг 8-кунидан бошлаб, унинг донидан ҳар бир қўйга 150 граммдан 60 кун давомида бериб борилганда заҳарланишининг клиник белгилари тажрибанинг 28-кунидан яққол намоён бўлиши, шунингдек улар қонидаги айрим морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларда ўзгаришлар намоён бўлиши асосланган;

Ferula assafoetida ўсимлигини қоракўл қўйлар организмга кўрсатадиган токсик таъсири аниқланиб, профилактика қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Ferula assafoetida ўсимлигининг чўл ҳудудларида турли вегетация даврида кимёвий таркиби ўрганилган, унинг шираси сичқонларга 100 мг/кг оғиз орқали ичирилганда уларнинг клиник кўрсаткичларида, шиллик пардаларида ўзгаришлар қайд этилмаганлиги аниқланган;

қоракўл қўйларига *Ferula assafoetida* ўсимлиги пояси ва илдизидан олинган шира ичирилганда ва донидан озикага қўшиб берилганда, заҳарланишнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари намоён бўлиши тажрибаларда илмий асосланган;

Ferula assafoetida ўсимлигини қоракўл қўйлар организмига таъсири ўрганилиб, уни профилактика чора-тадбирлари бўйича амалий тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, Самарқанд ветеринария медицинаси институти апробация комиссияси томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Ferula assafoetida* ўсимлигининг чўл зоналарида турли вегетация даврида кимёвий таркиби ўрганилганлиги, унинг шираси қоракўл қўйларига ичирилганда ва донидан озикага қўшиб берилганда заҳарланиш пайтида клиник ва гематологик белгилари намоён бўлиши, тажрибаларда илмий асосланган маълумотлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қоракўл қўйлар организмига таъсири ўрганилиб, уни олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ишлаб чиқаришга илмий асосланган амалий тавсиялар берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қоракўл қўйлар организмига *Ferula assafoetida* ўсимлигининг таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

қоракўл қўйлар рацион таркибига *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан қўшиб берилганда, озиклантириш муддати 30 кундан ошмаслигини, коврак билан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида қоракўл қўйлар рационига 1 г/кг тирик вазнига «Азкамар» бентонитини қўшиб бериш Бухоро вилояти Қоровулбозор, Жондор туманларида қоракўлчилик хўжаликларида жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 13 майдаги 02/17-309-сон маълумотномаси). Натижада қоракўл қўйлар организмига *Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг салбий таъсири камайтирилиб, маҳсулдорликнинг пасайиши ва уларнинг нобуд бўлишини олдини олишга эришилган;

«Сассиқ коврак (*Ferula assafoetida*) донининг қоракўл қўйлар организмига таъсири ва уни олдини олиш бўйича тавсиянома» тасдиқланиб, Бухоро ва Навоий вилоятлари қоракўлчилик хўжаликларидаги қоракўл қўйларини коврак дони билан заҳарланишнинг олдини олишда жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 13 майдаги 02/17-309-сон маълумотномаси). Натижада қоракўлчилик хўжаликларидаги қоракўл қўйларини коврак дони билан заҳарланишининг олдини олиш имконияти яратилган;

Ferula assafoetida ўсимлиги донининг қоракўл қўйлар организмига таъсирининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган комплекс усуллар Бухоро вилояти Қоровулбозор, Жондор туманларида қоракўлчилик хўжаликларида жорий этилган (Республика «Қоракўлчилик» уюшмасининг 2019 йил 18 майдаги 39/01-97-сон маълумотномаси). Ушбу комплекс усулларни қўллаш ҳисобига заҳарланишларнинг олдини олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 1 та хорижий, 3 та республика илмий журналларида, 2 та халқаро илмий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Коврак ўсимлигининг халқ хўжалигидаги аҳамиятига оид илмий адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, «Ўрта Осиёда ўсадиган *Ferula L* туркумининг табиий географик ҳудудий тарқалиши» деб номланган биринчи қисмида Ўрта Осиёда ўсадиган *Ferula L* туркумининг табиий географик ҳудудий

тарқалишига оид илмий ишлари таҳлили асосида коврак турлари, уларнинг биологияси, тоғ, тоғ олди, дашт ва чўлларда тарқалишига оид МДХ ва хорижий олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган. «*Ferula L* туркуми ўсимликларининг вегетация даврлари ва кимёвий таркиби» деб номланган иккинчи қисмида республикамиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлили асосида тоғ, тоғ олди, дашт ва чўл шароитида кенг тарқалган *Ferula L* туркуми ўсимлигининг вегетация даврлари ва кимёвий таркиби тўғрисидаги тадқиқотлар кенг ёритилган. «*Ferula L* туркуми ўсимликларининг фармако-токсикологияси» деб номланган учинчи қисмида *Ferula assafoetida* кукун, эмулсия ёки настойка ҳолида мушакларни бўшаштириши, газларни ҳайдаши ва йўталга қарши хусусияти ҳамда ферулани уруғи табобатга қоринни дам бўлишини олдини олиш, ошқозон фаолиятини яхшилаш, ўпка инфекцияси касалликларида ишлатилиши ва коврак ўсимлигининг бошқа турларини заҳарли таъсири тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган. «*Ferula L* туркуми ўсимликларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти» деб номланган тўртинчи қисмида қорақўлчиликни асосий ривожлантирадиган ва озиқа базасининг негизини ташкил қиладиган Қизилқум ҳудудида бир ва кўп йиллик ўсимликлар орасида фойдали ва чорва озиқаси таркибини асосий қисмини ташкил қиладиган ўсимликлар билан бир қаторда улар орасида заҳарли бўлган ёки таркибида заҳарли биологик фаол моддалар сақловчилари тўғрисида маълумот берувчи кенг кўламли материаллар келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида Республикамизнинг Қизилқум шароитида кенг тарқалган *Ferula assafoetida* ўсимлиги (1-расм) ва уруғини қорақўл қўйлари организмига таъсири ва уни олдини олиш чора-тадбирлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.



1-расм. *Ferula assafoetida* ўсимлиги

Диссертациянинг «***Ferula assafoetida* ўсимлигини қорақўл қўйлар организмига таъсирига доир олиб борилган тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бухоро вилояти Жондор тумани А.Темур қорақўлчилик хўжалигида, Навоий вилояти туманларида, *Ferula assafoetida* ўсимлиги таркибидаги биологик фаол моддалар таркиби ва турларини аниқлаш ишлари ЎзРФА академиги С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтининг полифеноллар ва кумаринлар ҳамда фармакология ва токсикология лабораторияларида, шунингдек Самарқанд ветеринария медицинаси институти виварийсида тажрибалар 2008-2019 йиллар давомида уч босқичда амалга оширилган.

Диссертациянинг «*Ferula assafoetida* ўсимлигининг турли вегетация даврларидаги кимёвий таркиби ва унинг лаборатория ҳайвонлари организмига таъсири» деб номланган учинчи бобида Республикамиз чўл ҳудудларида *Ferula assafoetida* ўсимлигини тарқалиши ва унинг турли вегетация даврларида улар таркибидаги биологик фаол моддаларни кимёвий таркибини ўрганиш ва унинг лаборатория ҳайвонлари организмига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Республикамизда *Ferula assafoetida* ўсимлигини тарқалишини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари Бухоро ва Навоий вилоятининг Қизилқум минтақасида олиб борилди. Текшириш натижасида *Ferula assafoetida* ўсимлигининг Қизилқум минтақаси, яъни Бухоро вилоятининг Жондор тумани, А.Темур қоракўлчилик хўжалиги, Газли ва Урганч шаҳарларига олиб борувчи магистрал йўллари атрофларида, Навоий вилоятининг Конимех, Нурота, Томди туманлари, Кўкча, Абай қоракўлчилик хўжаликлари яйловларида уларнинг катта ва кенг плантациялари мавжудлиги қайд этилди. *Ferula assafoetida* ўсимлигининг тарқалишини ўрганиш билан биргаликда уларни вегетация даврларида улар таркибидаги биологик фаол моддаларни кимёвий таркибини ўрганиш мақсадида март ойининг бошида, март ойининг охирида, апрел ойининг охирида ва уруғи пишгандан кейин уларнинг турли анатомик қисмларидан намуналар олиб текширилганда, эрта баҳорда *Ferula assafoetida* ўсимлиги поясидан олинган шираси кимёвий таҳлил қилинганда хроматография куйидаги моддалар, яъни 2-метоксифенол (1-гидрокси 2-метоксибензол) ёки 4-метокси фенол, 2,3,4,5-тетраметилтиофен, гоитрин (5-винил 2-оксазолидинтион), 1,2,4-оксадиазол-3-карботиаמיד, тиофенкарбоксамид-3 метил, 4 этил-2, 5 диметил-тиазол, 4 этилсульфанил-пиридин аниқланди.

Ferula assafoetida ўсимлигининг март ойининг бошида йиғилган ер устки қисми этанол билан экстракция қилиш натижасида олинган қуруқ моддалар йиғиндиси кимёвий таҳлил қилинганда юпқа қатламли хроматографияда 2-оксобицикло [2,2,2] октан, 3-метил-бутил-альдегид, 2,3,4,5-тетраметилтиофен, 1-нафталенметан-тиол, фенол-4-метилтио, пиридин-2-этилтио, 2-тиофенкарбоксамид моддалар борлиги қайд этилди. Март ойининг охирида сассиқ ковракнинг турли анатомик қисмларидан йиғилган намуналарнинг ҳам кимёвий таркиби ўрганилганда март ойининг бошида ўрганилган намуналар кимёвий таркибидан фарқ қилувчи мураккаброқ кимёвий тузилишга эга бўлган 1,2,3,4-тетрагидробутан, 4-метил-оксазол, (эритрит), 2-оксабицикло [2,2,2] октан, 1,3,3-триметил (цинеол), метил-2-ОН-этил-сульфид, 2,3,4,5-тетраметилтиофен, 4-этил-2,5-диметил-1,3-тиазол, 1-метил-4-метилтио-бензол, 3-метил-тиофен-2-карбоксамид, бицикло [3.1.1] гептан, 2,6,6-триметил (пинан) моддалар борлиги аниқланди.

Ferula assafoetida ўсимлигининг ер устки қисмидан апрел ойида ва уруғи пишгандан кейин йиғилган намуналарида эса янада мураккаброқ кимёвий таркибга эга бўлган 1,2,3,4-бутан-тетрол, 2-оксобицикло [2,2,2] октан 1,3,3-триметил (1,8-цинепол), 1-метил-пиррол, диметил, этил эфир-карбомат, 1-

диметил-(хлорометилсилан) диметилсилан, индол-5-метил, 1-(2,6-диметилфенил)-2-пропаналин, (-)-транс-пинанбицикло [3.1.1] гептан, 2,6,6-триметил, тетраметилтиофен моддалар йиғилиши қайд этилди. Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, *Ferula assafoetida* ўсимлиги вегетациясининг бошланишида кимёвий таркиби унчалик мураккаб бўлмай, вегетация охирида, яъни гуллаш ва уруғ ҳосил қилиш даврида улар таркибидаги биологик фаол моддалар мураккаблашиб кўпайиб бориши қайд этилди.

Ferula assafoetida ўсимлигини апрел ойининг бошларида ўсимликнинг пояси ва илдизидан 5-7 кун давомида йиғиб олинган ширани лаборатор ҳайвонлари организмига таъсирини ўрганиш учун 80 бош массаси 18-22 г бўлган соғлом сичқонларда ўтказилди. Лаборатор тажрибалар учун массаси 18-22 г бўлган 80 бош оқ сичқонлар олиниб, улар ўхшаш жуфтликлар тамойили асосида ҳар бирига 40 бошдан 2 та гуруҳга ажратилди.

Биринчи тажриба гуруҳ оқ сичқонларига баҳор ойида *Ferula assafoetida* ўсимлигини илдизи ва поясидан олинган шира чўкмасидан сичқонларнинг тирик оғирлигига қараб 100 мг/кг ҳисобида оғиз орқали бир марта киритилиб, уларнинг клиник кўрсаткичлари назорат қилиб борилганда, ўсимлик шираси чўкмасидан ичирилгандан кейин бир неча соат давомида ҳамда тажрибанинг 2-, 3- ва 5-кунларида ҳам сичқонлар ҳаракатида, шиллик пардалар ҳолатида ва клиник кўрсаткичларида ҳам заҳарланишга хос бўлган ўзгаришлар ва ўлим кузатилмади.

Иккинчи тажриба гуруҳ оқ сичқонларига 14 кун давомида ҳар бир сичқонга тирик оғирлигига қараб 100 мг/кг ҳисобида *Ferula assafoetida* илдизи ва поясидан олинган шира чўкмасидан ичириб борилганда, тажрибанинг 1-, 5- ва 14-кунларида ҳам сичқонлар ҳаракатида, шиллик пардалар ҳолати ва клиник кўрсаткичларида заҳарланиш белгилари кузатилмади. Худди шунга ўхшаш тажриба охирида ҳам тажриба гуруҳидаги барча сичқонлар биринчи гуруҳ сичқонларига ўхшаш тирик, фаол ҳаракатланиб юрганлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «***Ferula assafoetida* ўсимлигининг қорақўл қўйлар организмига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида ковракдан олинган таркибида 4% гача биологик фаол моддаларни сақлаган ўсимлик шираси ва таркибига 3% биологик фаол моддалар сақлаган коврак донининг қорақўл қўйлар организмига заҳарлилик даражасини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари ёритилган.

Тажрибалар учун лаборатория шароитида 12 бош тана вазни 30-32 кг бўлган қорақўл қўйлари “ўхшаш жуфтликлар” тамойили асосида ҳар бир гуруҳда 3 бошдан бўлган 3 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳи тузилди.


Биринчи тажриба гуруҳидаги ҳар бир ҳайвонга коврак ширасидан 25 мл ичирилди, ҳар куни 33,3 мг/кг тирик оғирлигига, жами 14 г, иккинчи тажриба гуруҳидаги ҳар бир ҳайвонга коврак ширасидан 50 мл ичирилди, ҳар куни 66,6 мг/кг тирик вазнига, жами 28 г, учинчи тажриба гуруҳидаги ҳар бир ҳайвонга коврак ширасидан 100 мл ичирилди, ҳар куни 133,2 мг/кг тирик

вазнига, жами 56 граммдан улар организмга кумарин ва бошқа биологик фаол моддалар тушганлиги қайд этилди.

Ferula assafoetida ўсимлиги шираси ичирилган биринчи ва иккинчи гуруҳ ҳайвонларида клиник-физиологик кўрсаткичлари ва озиқа қабул қилиши тажриба давомида назорат гуруҳи билан таққослаб ўрганилганда, улар ўртасида характерли фарқлар қайд этилмади.

Аммо, 14 кун давомида ҳар куни 100 мл дан *Ferula assafoetida* ўсимлиги шираси ичирилган ва организмга ҳар куни 133,3 мг/кг тирик вазнига, жами 56 г кумарин ва бошқа биологик фаол моддалар тушган учинчи гуруҳ ҳайвонларида тажрибанинг 8-кунидан бошлаб заҳарланишнинг дастлабки клиник белгилари, яъни оёқ ҳаракатининг бузилиши, кўз қорачиғининг катталашуви, ич кетиши, нафас олиш, юрак уришининг тезлашганлиги, нафас чиқарганда сассиқ коврак ҳидининг келиб турганлиги ҳамда озрок ҳароратнинг кўтарилганлиги кузатилди.


Қондаги морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳам организмга тушган кумарин ва бошқа биологик фаол моддаларнинг миқдорини ошиши билан характерланиб, бунда асосий ўзгаришлар учинчи тажриба гуруҳидаги қорақўл кўйларида намоён бўлиб, тажриба охирига келиб эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдори шунга мос равишда, 12,8% ва 20,5% га кўпайиши ва лейкоцитлар сони 1,3% га камайиши кузатилди. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги ва лейкоформуладаги лимфоцитлар миқдори текширишларнинг охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан шунга мос равишда, 60% ва 17,2% га кўпайганлиги қайд этилди (2-расм).



2-расм. *Ferula assafoetida* ўсимлиги ширасидан ҳар куни 100 мл дан ичирилган учинчи гуруҳ қорақўл кўйлар қонининг морфологик кўрсаткичлари

Қон зардобидаги умумий оқсил миқдори тажриба давомида камайиб бориб, тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 2,6% га камайганлиги ва умумий оқсил миқдорининг камайиши альфа-, бетта- ва асосан гамма-глобулинлар ҳисобига, яъни бунда бетта-глобулинлар

тажрибанинг 3-кунда 12% га камайган бўлса, альфа ва гамма-глобулинлар тажриба охирида шунга мос равишда, 11,7% ва 37,9% га камайганлиги қайд этилди (3-расм).



3-расм. Тажрибадаги учинчи гуруҳ қорақўл қўйларининг қон зардобда умумий оксил ва оксил фракцияси

Қон зардобдаги умумий оксил миқдори ва оксил фракцияларининг яққол ўзгариши ҳам асосан 100 мл *Ferula assafoetida* ширасидан ичирилган қорақўл қўйларида намоён бўлиб, бунда умумий оксил миқдорининг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан камайиши, асосан альфа-, бетта- ва гамма-глобулинлар ҳисобига намоён бўлди, бу эса жигар функциясининг бузилишидан ва организмнинг табиий ва орттирилган резистентлигининг пасайишидан дарак беради.

Учинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари қонидаги морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришлари, қондаги ферментларнинг ўзгаришида ҳам намоён бўлди.

Ferula assafoetida ўсимлиги таркибидаги биологик фаол моддаларнинг заҳарли таъсирида аланинаминотрансфераза, аспартатаминотрансфераза ва β -липопротеидлар миқдорининг кўпайиб кетиши намоён бўлди. Тажрибадаги учинчи гуруҳ ҳайвонлари қон зардобдаги ферментларнинг ошиши жигар тўқимасининг нобуд бўлиши билан боғлиқдир. Бу ферментлар жигар цитоплазмасида кўпроқ сақланади, улар паренхимасининг бузилиши оқибатида ферментлар миқдорининг қонда кўпайишидан далолат беради.

Қондаги иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳам организмга тушган кумарин ва бошқа биологик фаол моддаларнинг миқдорини ошиши билан характерланиб, бунда асосий ўзгаришлар учинчи тажриба гуруҳидаги қорақўл қўйларида намоён бўлиб, қондаги Т-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичи тажриба охирида 6,7% га камайган бўлса, Т-лимфоцитларнинг мутлоқ миқдорининг тажриба охиригача дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ўзгармаганлиги аниқланди. В-лимфоцитлар нисбий кўрсаткичи тажриба давомида биров камайиб, тажриба охирида 14,3% га камайди, унинг мутлоқ

миқдори эса тажрибанинг 14-кунига келиб 33,4% га камайганлиги қайд этилди.

Учинчи гуруҳ ҳайвонларида қоннинг иммунологик кўрсаткичларидан Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори, В-лимфоцитларнинг нисбий ва мутлок фоизининг кескин камайиши таркибида биологик фаол моддаларни сақлаган *Ferula assafoetida* ўсимлиги организмнинг иммун тизимини кескин пасайтиришидан далолат беради.

Республикамиз Қизилқум минтақасидаги қорақўлчилик ширкат хўжаликлари ҳудудида сассиқ ковракни катта кенгликларда ўсиши ва улар барги, асосан дони билан қорақўл қўйларни озикланишини инобатга олиб, иккинчи босқич сурункали тажрибалар ўтказилди. Бунинг учун “ўхшаш жуфтликлар” тамойили асосида тана вазни 34-35 кг бўлган қорақўл қўйларни 5 бошдан 3 та гуруҳга ажратилди. Биринчи тажриба гуруҳидаги ҳар бир қорақўл қўйлари омехта емига таркибида 3% ли биологик фаол модда бўлган коврак ўсимлиги уруғидан 150 г, иккинчи тажриба гуруҳидаги ҳар бир қорақўл қўйларига 150 г таркибида 3% ли биологик фаол модда бўлган сассиқ коврак уруғи ва қўшимча Азкамар бентонитидан 1 г/кг тирик вазнига қўшиб берилди, учинчи гуруҳ назорат гуруҳи сифатида хизмат қилди.

Илмий тадқиқотларни ўтказиш асосида 60 кун давомида *Ferula assafoetida* дони таркибидаги кумарин ва бошқа биологик фаол моддаларни қорақўл қўйлари организмга тушган миқдори аниқланди.

Бунда биринчи тажриба ва иккинчи тажриба гуруҳи қорақўл қўйлари организмга ҳар куни 128,5 г/кг тирик вазнига кумарин ва бошқа биологик фаол моддалар тушганлиги, бу ҳар бир ҳайвонга биринчи ойда 135 г, иккинчи ойда ҳам 135 г ва тажриба охирида жами 270 граммни ташкил қилди, фақатгина иккинчи тажриба гуруҳи қорақўл қўйлари рационига қўшимча 1 г/кг тирик вазнига Азкамар бентонити қўшиб берилди.

Ferula assafoetida ўсимлиги дони ва қўшимча Азкамар бентонитидан бериб борилган иккинчи гуруҳ қорақўл қўйларида клиник-физиологик ҳолати кўрсаткичлари ва озиқа қабул қилиши тажриба давомида назорат гуруҳи билан таққослаб ўрганилганда улар ўртасида характерли фарқлар қайд этилмади.

Бироқ рацион таркибига ҳар куни 150 г *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан бериб борилган ва организмга 128,5 мг/кг тирик вазнига ёки жами 270 г кумарин ва бошқа биологик фаол моддалар тушган биринчи тажриба гуруҳ ҳайвонларида захарланишга хос бўлган клиник белгилар: тана вазнининг камайиши, ҳаракат координациясининг бузилиши, кўз қорачиғининг катталашуви, ич кетиши, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашганлиги, тана ҳароратининг 0,5 °С га кўтарилиши, нафас чиқарганда коврак ҳидининг келиб турганлиги қайд этилди.

Шунга ўхшаш тажриба ва назорат гуруҳидаги қорақўл қўйларини кунлик ўсиши ойма-ой таҳлил қилинганда, кунлик ўсиш учинчи назорат гуруҳи ҳайвонларида 260 граммни, биринчи тажриба гуруҳидаги қорақўл қўйларида 215 граммни ва рационига қўшимча 1 г/кг тирик вазнига Азкамар


бентонити қўшиб берилган иккинчи тажриба гуруҳидаги қоракўл қўйларида эса кунлик ўсиш 245 граммни ташкил қилди.

Юқорида қайд этилган маълумотлар таҳлили *Ferula assafoetida* ўсимлиги донини қоракўл қўйларининг кунлик ўсиши 30 кун давомида ошиб бориши ва кейин унинг камайиши, бизнинг назаримизда *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони таркибидаги биологик фаол моддаларга нисбатан организмнинг жавоб реакцияси ва уларнинг орган ва тўқималарда юқори кумулятив хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тажрибадаги ҳайвонларда гематологик кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳам организмга *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони таркибидаги биологик фаол моддаларни тушишининг ошиб бориши билан характерланди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги қоракўл қўйларида қондаги морфологик ўзгаришларнинг бошланиши тажрибанинг 20-кунда намоён бўлиб, бунда эритроцитларнинг чўкиш тезлиги тажриба бошига нисбатан 10,5% га ва тажриба охирида 34,2% га кўпайганлиги қайд этилди.

Қондаги эритроцитлар, лейкоцитлар сони ва гемоглобин миқдори ҳам тажриба бошига нисбатан шунга мос равишда, 21,1%, 15,4 ва 9% га камайганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш манзара қон суртмаларида ҳам кузатилди, бунда тажриба охирига келиб, лимфоцитлар 14,9% га камайганлиги, ретикуло-эндотелиал тизимини гемопоэтик функцияси ва лимфоид тўқималарда патологик ўзгаришларни келиб чиқишидан далолат беради (4-расм).




4-расм. *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан ҳар куни 150 г дан берилган биринчи гуруҳ қоракўл қўйлар қонининг морфологик кўрсаткичлари

Қоракўл қўйлари организмга таъсир этувчи *Ferula assafoetida* дони таркибидаги биологик фаол моддаларга нисбатан улар рационига қўшимча Азкамар бентонитининг адсорбцион ва антидотлик хусусияти, айниқса иккинчи тажриба гуруҳидаги қоракўл қўйлари қони зардобидеги биокимёвий кўрсаткичларда яққол намоён бўлиб, ушбу гуруҳдаги қон зардоби таркибидаги умумий оксил, альбумин ва гамма-глобулинлар миқдори тажриба охирида бироз ошганлиги, аланин-аминотрансфераза ва аспаргин-

аминотрансфераза ферментларида ҳам характерли ўзгаришлар қайд этилмади.

Тажрибадаги биринчи тажриба гуруҳи қорақўл қўйлари қон зардобидаги умумий оқсил миқдорининг тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 13,3% га, альбуминлар миқдорининг 11,9%, гамма-глобулинлар миқдорининг 14,2% га (5-расм), аланин-аминотрансфераза активлиги 62% га, аспаргин-аминотрансфераза фаоллиги 59% га ва холестерин миқдорининг 32,8% га кўпайганлиги жигар хужайра ва тўқималарида патологик жараёнларнинг ривожланиши ва организмнинг табиий ва орттирилган резистентлигининг пасайиши билан боғлиқдир.



5-расм. Тажрибадаги биринчи гуруҳ қорақўл қўйларининг қон зардобида умумий оқсил ва оқсил фракцияси

Тажрибадаги биринчи гуруҳ қорақўл қўйлари қонидаги иммуноглобулин кўрсаткичларида қуйидаги ўзгаришлар кузатилди: тажрибанинг 20-кунида Т-лимфоцитларининг нисбий кўрсаткичи 1,5% га кўпайган бўлса, тажриба давомида улар миқдори тўлқинсимон камайиб борди ва тажриба охирида 15,7% га камайганлиги аниқланди. Т-лимфоцитларнинг мутлоқ миқдори эса тажрибанинг 40-, 60-кунларида 7,7% га камайганлиги қайд этилди. В-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичи тажрибанинг 20-кунида 2,9% га, 40-кунга келиб эса 17% га камайган бўлса, тажрибаларнинг охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 18,4% га камайганлиги кузатилди. Шунга ўхшаш В-лимфоцитларнинг мутлоқ миқдори тажриба охиригача камайиши қайд қилиниб, тажрибанинг охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 25% га камайганлиги қайд этилди.

Ferula assafoetida таркибидаги биологик фаол моддаларнинг салбий таъсири тажрибадаги биринчи гуруҳ қорақўл қўйлари қонидаги иммунобиологик кўрсаткичларида ҳам намоён бўлиб, бунда Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори, Т-лимфоцитларнинг мутлоқ миқдори, В-лимфоцитларнинг нисбий миқдори ва мутлоқ миқдори, қон зардобидаги А-, М-, G-глобулинларнинг сезиларли даражада камайганлиги, организмда

иммун тизимининг ўзгаришидан далолат беради. Тажрибадаги иккинчи гуруҳ қоракўл қўйлари қони ва қон зардобидаги иммунологик кўрсаткичларида характерли ўзгаришларнинг қайд этилмаслиги, улар рационига қўшиб берилган Азкамар бентонитининг *Ferula assafoetida* таркибидаги заҳарли биологик фаол моддаларга нисбатан адсорбцион хусусиятини яна бир бор тасдиқлади.

Тажрибадаги патологоанатомик ўзгаришлар динамикаси қоврак дони таркибидаги биологик фаол моддаларни тўқималарда таъсир этиши билан характерланиб, бунда асосий патологоанатомик ўзгаришлардан биринчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари паренхиматоз органлари, яъни талоқ ва жигарнинг катталашганлиги, жигарда дистрофик жараёнлар аниқланди. Жигарнинг юмшаганлиги, шишганлиги, тўқ қўнғир рангда бўлиб, четлари қалинлашганлиги, кесилганда паренхимаси қаттиқлашганлиги, кесилган жойнинг юзаси ҳўл ва ялтироқ, қон билан тўлиб лойқасимон қўнғир ранга кирганлиги, буйрак ҳам шишиб оқиш ранга кирганлиги ва кесганда унинг ҳам қаттиқлашганлиги аниқланди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, Қизилқум минтақасида ўсадиган *Ferula assafoetida* пояси ва илдизидан олинган, таркибида 4% биологик фаол моддалар сақлаган ўсимлик ширасидан 40 бош оқ сичқонларга 100 мг/кг ҳисобида бир марта оғиз орқали ва 40 бош оқ сичқонларга 100 мг/кг ҳисобида оғиз орқали 14 кун давомида ичириб борилганда улар ҳаракатида, шиллиқ пардалар ҳолатида ва клиник кўрсаткичларида ҳам заҳарланишга хос бўлган клиник белгилар кузатилмаган бўлсада, аммо 14 кун давомида ҳар куни 100 мл дан *Ferula assafoetida* шираси ичирилган ва организмига ҳар куни 133,3 мг/кг тирик вазнига, жами 56 г кумарин ва бошқа биологик фаол моддалар тушган учинчи гуруҳ қоракўл қўйларида тажрибанинг 8-кунидан бошлаб заҳарланишнинг дастлабки клиник белгилари, яъни оёқ ҳаракатининг бузилиши, кўз қорачиғининг катталашуви, ич кетиши, нафас олиш, юрак уришининг тезлашганлиги, нафас чиқарганда қоврак ҳидининг келиб турганлиги ҳамда тана ҳароратининг бироз кўтарилганлиги аниқланди.

Таркибида 3% биологик фаол моддалар сақлаган *Ferula assafoetida* ўсимлиги донини 60 кун давомида қоракўл қўйлар рационига қўшиб берилганда, тажрибанинг 28-кунидан бошлаб улар кўз қорачиғининг катталашуви ич кетиши юрак ва нафас олишининг тезлашганлиги ҳамда ҳароратнинг озроқ кўтарилганлиги намоеён бўлиб, кунлик ўсиш тажриба охирида эса 215 граммни ташкил этганлиги ва улар қони ва қон зардобидаги морфологик, биокимёвий ва иммунобиологик кўрсаткичларга ҳам салбий таъсир этиши аниқланди.

Қоракўл қўйлар рационига таркибига 3% биологик фаол модда сақлаган *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан 150 г қўшиб берилганда, озиклантириш муддати 30 кундан ошмаслигини, қоврак билан заҳарланишни олдини олиш мақсадида қоракўл қўйлар рационига 1 г/кг тирик вазнига Азкамар бентонити қўшиб берилиши тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

1. *Ferula assafoetida* ўсимлигининг Қизилқум худудидида, яъни Бухоро ва Навоий вилоятларининг қорақўлчилик хўжаликлари яйловларида кенг плантациялари мавжудлиги аниқланиб, ўсимлик уруғи етилгандан кейин йиғилган намуналарида мураккаб кимёвий таркибга эга бўлган 1,2,3,4-бутантетрол, 2-оксобицикло [2,2,2] октан 1,3,3-триметил (1,8-цинепол), 1-метилпиррол, диметил, этил эфир-карбомат, 1-диметил-(хлорометилсилан) диметилсилан, индол-5-метил, 1-(2,6-диметилфенил)-2-пропаналин, (-)-транс-пинанбицикло [3.1.1] гептан, 2,6,6-триметил, тетраметилтиофен моддалари йиғилиши қайд этилади.

2. *Ferula assafoetida* илдизи ва поясидан олинган шира чўкмасидан сичқонларнинг тирик вазнига нисбатан 100 мг/кг ҳисобидан бир марта ичирилганда ва 14 кун давомида ҳар бир сичқонга кунига ўсимлик шираси чўкмасидан 100 мг/кг ҳисобидан ичириб борилганда, уларнинг клинко-физиологик кўрсаткичларида заҳарланишга хос клиник белгилар намоён бўлмаганлиги ва тажриба охирида сичқонларни фаол ҳаракатланиб юрганлиги ҳамда ўлим кузатилмаганлиги қайд этилади.

3. Ҳар бир бош қорақўл қўйларига 14 кун давомида 25 мл ва 50 мл дан *Ferula assafoetida* ўсимлик шираси ичирилганда, уларнинг клинко-физиологик ва гематологик кўрсаткичларида характерли ўзгаришлар кузатилмаган бўлсада, аммо 100 мл дан ўсимлик шираси ичирилган қорақўл қўйларида тажрибанинг 8-кунидан бошлаб ҳаракат мувозанатининг бузилиши, кўз қорачиғининг катталашуви, ич кетиши, нафас олиш ва юрак уришининг тезлашганлиги, ҳайвон нафас чиқарганда ундан *Ferula assafoetida* ҳидининг келиб туриши ҳамда тана ҳароратининг 0,5 °С га ошиши кузатилади.

4. *Ferula assafoetida* ўсимлик шираси таъсирида қорақўл қўйлари заҳарланиши организмнинг барча тизимлари фаолиятига салбий таъсир қилиши билан биргаликда, қондаги эритроцитлар сонининг ўртача 12,2% га, гемоглобиннинг 20,5% га, эритроцитларнинг чўкиш тезлигини 60% га, лимфоцитларнинг 17,2% га, моноцитларнинг 168,7% га, таёкча ядроли нейтрофилларнинг 16,2% га ошиши, шунингдек лейкоцитларнинг 1,3% га ва сегмент ядроли нейтрофилларнинг эса 8,4% гача камайиши характерли бўлди.

5. Қорақўл қўйлари *Ferula assafoetida* ўсимлиги ширасидан заҳарланишининг салбий таъсири, жигар паренхимасининг бузилишига ҳам сабаб бўлиб, аланинаминотрансфераза фаоллигининг 20% га, аспартатаминотрансферазани 7,1% га ва беталипопротеидларни 4-5 баробарга ошиши ҳамда умумий оксил миқдорини 2,6% га, альфа-глобулинларни 11,7% га, гамма-глобулинларнинг эса 37,9% гача камайиши кузатилади.

6. *Ferula assafoetida* ўсимлиги ширасининг салбий таъсири натижасида организм иммун тизими фаолиятининг пасайиши қайд этилиб, заҳарланиш пайтида Т-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичлари ўртача 6,7% га, В-

лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичлари 14,3% га ва В-лимфоцитларнинг мутлоқ кўрсаткичлари 33,4% га камайиши, А-, М-, G-иммуноглобулинларнинг шунга мос равишда 6,0; 5,5 ва 20,0% гача ошиши кузатилади.

7. Қоракўл қўйлар рационига 150 г *Ferula assafoetida* донидан қўшиб берилганда, тажрибанинг 28-кунидан бошлаб уларда ҳаракат мувозанатининг бузилиши, кўз қорачиғининг катталашishi, ич кетиши, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашганлиги, нафас чиқарганда *Ferula assafoetida* ҳиди келиб турганлиги, тана ҳароратининг 0,5 °С га кўтарилиши ҳамда кунлик ўсишнинг назоратга нисбатан 45 граммга камайиши характерли бўлди.

8. Ҳар бир бош қоракўл қўйлар рационига *Ferula assafoetida* донидан 150 граммдан 60 кун давомида ёки 128,5 мг/кг тирик вазнига, тажриба давомида улар организмга тушган жами 270 г биологик фаол моддалар таъсирида, организм гемопозтик функциясининг пасайиши қондаги эритроцитлар сонининг ўртача 21,1% га, гемоглобинни 9,0% га, лимфоцитларни 14,9% га камайиши ва эритроцитлар чўкиш тезлигининг 34,2% гача ошиши билан характерланади.

9. Қоракўл қўйлари рационига *Ferula assafoetida* ўсимлиги донини салбий таъсири организмнинг иммун тизими фаолиятининг пасайишига ҳам сабаб бўлиб, иммунологик кўрсаткичлардан Т-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичи 15,7% га ва мутлоқ миқдори 7,7% га, В-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичи 20,4% га ва мутлоқ миқдори эса 25% га, қон зардобдаги А-, М-, G-иммуноглобулинларнинг шунга мос равишда, 3,0; 9,6; ва 11,4% га камайиши кузатилади.

10. Таркибида 3% биологик фаол моддалар сақлаган *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан 60 кун давомида ҳар бир қоракўл қўйи рационига 150 граммдан ёки 128,5 мг/кг тирик вазнига нисбатан организмга тушган жами 270 г биологик фаол моддалар таъсири, ҳайвонларнинг паренхиматоз органлари, яъни талоқ ва жигарнинг катталашishi, уларда қон қуйилиши, жигар паренхимасининг қаттиқлашиши ва ошқозон-ичак тизими шиллик пардаларининг яллиғланиши билан характерланади.

11. Ҳар бир бош қоракўл қўйлар рационига *Ferula assafoetida* донидан 150 граммдан ва қўшимча 1 г/кг тирик вазнига Азкамар бентонитидан 60 кун давомида қўшиб берилганда, сарфланган 1 сўмга 6,07 сўм иқтисодий самарадорликка эришилганлиги қайд этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

ЮСУПОВ ОЛИМЖОН ШОХОНОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ РАСТЕНИЯ FERULA ASSOFOETIDA НА ОРГАНИЗМ
КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ**

**16.00.04 – Ветеринарная фармакология и токсикология. Ветеринарная санитария,
экология, зоогигиена и ветеринар-санитарная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Тема диссертации на степень доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.3.PhD/V34.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Ниёзов Хаким Бакоевич**
доктор ветеринарных наук, доцент

Официальные оппоненты: **Салимов Юнус**
доктор ветеринарных наук, доцент

Шокиров Латиф Халимович
кандидат ветеринарных наук

Ведущая организация: **Научно исследовательский институт ветеринарии**

Защита состоится « ____ » _____ 2020 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.V.12.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77, Тел.: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86, e-mail: samvmi@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандском институте ветеринарной медицины (зарегистрирована за № _____) (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77., Тел.: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86, e-mail: samvmi@edu.uz).

Автореферат разослан « ____ » _____ 2020 г.
(протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 г.)

Х.Б.Юнусов

Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.биол.н., профессор

Ш.Х.Курбанов

Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёной степени, к.вет.н., доцент

К.Н.Норбоев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степени, д.вет.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы.

На сегодняшний день, принимая во внимание то, что каракулеводство является одной из важных отраслей пустынного региона, для увеличения продуктивности каракулеводства имеет важное практическое и научное значение, рациональное использование пустынный и полупустынный регионы, учитывая, что присутствие растения коврак в флоре пустынь в качестве корма для животных составляет 20-30 % увеличение доли многих эфемерных растений приспособленных к пустынным условиям и организация научно обоснованных агротехнических процессов в этой климатической зоне, в частности создание плантаций кормовых растений и изучение их влияния на организм животных¹.

В последние годы во всём мире широко проведены научно-исследовательские работы по изучению биологии, химического состава и значению в медицине растения входящего в род *Ferula* L. Недостаточное изучение влияния широко распространённой в Кызылкумах растения *Ferula assafoetida* на физиологические показатели организма животных, в частности определение степени токсичности этого растения для каракульских овец и разработка мер профилактики считается одной из проблем, ожидающих решения на сегодняшний день.

В Центральной Азии и территории Казахстана произрастают 106 видов растений, входящих в род *Ferula* L, при этом необходимо отдельно отметить, что наравне с многочислимыми положительными показателями этого растения, имеются сведения о токсическом действии некоторых его видов на организм животных. Однако нет точных и научно обоснованных сведений о воздействии широко распространённого в Кызылкумах растения *F. assafoetida* и его семян на организм каракульских овец. В Стратегии² действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы, одной из приоритетных задач приводится развитие в нашем государстве животноводства, особенно каракулеводства в пустынном регионе, усиление организационно-практических мероприятий по созданию плантаций растения *Ferula assafoetida*, составляющего основу кормовых растений пустынной флоры, рационально используя пустынную и полупустынную зоны.

В новой редакции Закона республики Узбекистан «О ветеринарии», в указах Президент Республики Узбекистан УП-2841 от 16 марта 2017 года «О дополнительных мерах по углублению экономических преобразований в животноводстве», УП-3603 от 14 марта 2018 года «О мерах по ускоренному развитию каракулеводческой отрасли», УП-3617 от 20 марта 2018 года «О мерах по организации плантаций коврак и увеличению объёма переработки а также экспорте сырья получаемого от него», УП-4420 от 16 август 2019 года «О мерах по комплексному развитию каракулеводческой отрасли» и

¹ Рахмонкулов У. Терпеноидсодержащие растения западного Тянь-Шаня и их использование: Дис....док.биол.наук. Ташкент. 1999. -С. 10-30.

² Указ Президента Республики Узбекистан за УП № 4947, от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов Республики Узбекистан, 2017 г.

постановление ПП-5696 от 28 марта 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» в осуществлении этого Указа данная исследовательская диссертация выполняет нормативно-правовые документы отмеченные и связанные с данным направлением.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по изучению биологии и химического состава растения коврак в Узбекистане проведены У.Рахмонкуловым, Н.Нажмитдиновой, Р.М.Халиловым, М.А.Маматхановой, М.И.Мадрахимовой, Л.Д.Котенко и Ш.Ш.Сагдуллаевым. За рубежом, рядом учёных, в частности М.Miski, A.Ahmed, M.M Singh, A.O.Parkash, M.B.Agel, S. Al-Khalil, M.N.Abd El-Razek, A.Lhuillier, T.Motai, L.D.Kapoor, T.Kajimoto, R.Rajanikanth, O.Hofer, M.I.Nassar, Ю.М.Зиминим, Л.А.Головиной и А.У.Бабековым проведены широкие исследования по биологии и химическому составу и значению в медицине растений рода *Ferula* L и были достигнуты результаты, имеющие в высокой степени научно-практическое значение.

